

## Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 1089-ҳадис

1089 - وَعَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَيْسَ صَلَاةً أَشْقَلَ عَلَى الْمُنَافِقِينَ مِنْ صَلَاةِ الْفَجْرِ وَالْعِشَاءِ، وَلَوْ يَعْلَمُونَ مَا فِيهِمَا لَا تُؤْهِمُهُمَا وَلَوْ حَبْوًا». مُتَّفَقُ عَلَيْهِ [خ 657، م

.[651/252

1089. Яна у кишидан ривоят қилинади:

“Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мунофиқларга бомдод ва хуфтон намозидан оғирроқ намоз йўқдир. Агар улар икковидаги савобни билишганида эди, әмаклаб бўлса ҳам, келишар эди», дедилар”.

Муттафакун алайҳ.

Шарҳ: Аслида Аллоҳ таолонинг розилиги сари югуришимиз керак эмасми?! Аслида Аллоҳ таолонинг байтлари бўлмиш масжидлар сари мусобақа қилишимиз керак эмасми?! Нафсингизни хисоб-китоб қилинг ва ундан сўранг: «Мунофиқлик сенинг сифатларингдан бири бўлишига розимисан?»

Қандай қилиб мунофиқ бўлади дейсизми? Ҳайрон бўлманг, ким бомдодни тарг қилса, бу нифоқ белгисидир. Эътибор берсангиз, тонг пайти ҳаво жуда тоза, соф, енгил бўлади. Биласизми нега? Чунки, бу пайтда ҳавога турли чиқиндилар, газлар қаторида мунофиқларнинг нафаслари ҳам аралашмаган бўлади.

Бир куни Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бомдод намозини ўқидилар ва «Фалончи намозга келдими?» деб сўрадилар. Саҳобалар «Йўқ» дейишиди. «Фалончи намозга келдими?» деб сўрадилар. Саҳобалар яна «Йўқ» дейишиди. Шунда у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам «Албатта, бу икки намоз (хуфтон ва бомдод) мунофиқларга оғир намозлардандир. Агар улар у иккисида нималар борлигини (қандай савоблар борлигини) билганларида эди, уларга әмаклаб бўлса ҳам келардилар» дедилар. (Имом Насойи ривоятлари).

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

